2012 ЙИЛ 5 МАРТ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 45 (12.106)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Пойтахтимизнинг Олмазор туманида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларига янги уйлар калитлари топширилди.

ЧЕГАРАЧИЛАРГА — ЯНГИ УЙЛАР

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида амалга оширилаётган ишлар миллий армиямизда жанговар тайёргарликни ошириш ва мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, унинг сиёсий ҳамда иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида янги, сифатли кўрсаткичларга эришишга қаратилган. Шу билан бирга, сўнгги вақтда давлатимиз томонидан Қуролли Кучларни социал жиҳатдан янада ривожлантириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш даражасини ошириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, оддий аскар, сержант ва офицерлар таркибининг ижтимоий-маиший, яшаш ва хизмат шароитларини яхшилашга қаратилган давлат дастурларимизнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши бундан буён ҳам эътибор марказида бўлиб қолиши кераклигини таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда Ватан ҳимоячиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича ишончли тизим шакланган бўлиб, у ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашга ёрдам бермоқда. Масалан, бугунги кунда ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 14 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори, шунингдек, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш бўйича 2015 йилгача мўлжалланган Давлат дастурига мувофиқ амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, ҳарбийлашган идораларда Қуролли Кучлар сафида камида ўн йил хизмат қилган ва янги шартнома тузган, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож ҳарбийларни қўллаб-қувватлаш амалиёти жорий этилган. Бунда ҳарбийлашган идора ҳарбий хизматчилар узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда уй-жой ёки уй қуриш учун ер участкаси сотиб олаётганда харид қилинаётган шу уй-жой қийматининг 25 фоизи миқдоридаги бошланғич бадални тўлаб беради.

Ҳарбий соҳа вакилларини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида мустаҳкам тизимнинг яратилгани ва уларни шинам уй-жой билан таъминлаш ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари турмуш даражасини ошириш имконини бераётир. 2010-2011 йилларда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг 650 нафардан ортиқ ҳарбийлар оилалари барча қулайликларга эга уй-жой билан таъминлангани бунга ёрқин мисол бўла олади. Мамлакатимиз сарҳадларининг 53 нафар ҳимоячиси оиласига янги 2 ва 3 хонали уйлар калитларининг топширилиши ушбу йўналишдаги изчил ишларнинг давомидир.

Янги уй-жойлар калитларини тантанали топшириш маросимида чегара қўшинлари қўмондони ўринбосари Ш.Назиров, Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди раисининг ўринбосари Р. Шералиев, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раисининг биринчи ўринбосари Ф.Муҳаммаджонова ва бошқалар уларни ушбу қувончли воқеа билан табрикладилар. Мамлакатимизда Мустаҳкам оила йили деб эълон қилинган 2012 йилда қулай ва шинам уй-жой шароитларига эга бўлиш ҳарбий хизматчилар оилаларини янада мустаҳкамлашга, Ўзбекистон сарҳадларини қўриқлашдек масъулиятли вазифани шараф билан бажаришда чегарачилар учун ўзига хос омил бўлиб хизмат қилишини таъкидладилар.

– Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда Мустаҳкам оила йили деб эълон қилинган жорий йилда оилаларимизга янги уй калитлари топширилганидан беҳад мамнунмиз, – дейди ЎзА мухбирига Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси, капитан Бахтиёр Туробов. – Биз буни мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафида қилаётган содиқ хизматимиз эътирофи, энг катта мукофот сифатида қабул қиламиз. Бундай ғамхўрлик бизни ҳарбий қурилиш соҳасидаги илғор жаҳон тажрибасини ўзида мужассам этган ва миллий анъаналаримизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келаётган, Ватанимиз хавфсизлигининг ишончли кафолати бўлган миллий армиямиз сафида бундан буён ҳам янада сидқидилдан хизмат қилишга ундайди.

С.ТОЖИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Хабар қилинганидек, 2012 йил 2 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлисини шу йил 23-24 март кунлари Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенат ялпи мажлисининг кун тартибига сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил қайта ислоҳ қилиш ва либераллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунлари киритилмоқда. Улар қаторида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлар ҳамда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишни назарда тутувчи бошқа қатор қонунлар бор.

Шу билан бирга, Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг), Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини муҳокама қилиш режалаштирилмоқда. Сенаторлар ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йилда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахборотини кўриб чиқадилар.

Навбатдаги ялпи мажлисда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ижро этилиши тўғрисидаги масала юзасидан парламент эшитувлари ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қарши шаҳрида Қашқадарё вилоятидаги кичик ва хусусий корхоналарнинг саноат салоҳиятини кенгайтиришга бағишланган бизнес-форум бўлиб ўтди. Унда қашқадарёлик тадбиркорларга АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Италия, Россия, Хитой, Япония, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардан етказиб бериладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш, қурилиш ва қурилиш индустрияси, енгил саноат, тиббиёт, ноширлик ва бошқа соҳаларни ривожлантириш учун зарур техника ва технологиялар ҳамда уларни кредит ва лизинг асосида олиш шартлари ҳақида кенг маълумотлар берилди.

• Жиззахда Наврўз умумхалқ байрамига бағишлаб ўтказилган «Баҳор тароналари» кўрик-танловининг вилоят босқичида ҳам фусункор баҳор фаслининг бутун таровати намоён бўлди. Халқимизнинг умрбоқий қадриятларидан бири бўлган Наврўзни мадҳ этиш, маданий меросимизни тарғиб қилиш, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Юнус Ражабий номидаги вилоят мусиқали драма театрида ўтказилган мазкур тадбирда 200 нафардан зиёд истеъдод соҳиблари иштирок этди.

• Фарғона вилоятининг барча шаҳар ва туманларида спортчи қизларга Президент совғаси – спорт кийимлари топшириш маросимлари бўлиб ўтмоқда. Кува маиший хизмат касб-ҳунар коллежида ўтказилган ана шундай тадбирда маҳаллий ҳокимлик вакиллари, спортчи қизлар, уларнинг отаоналари иштирок этди.

• Самарқанд шаҳридаги «Сино» очиқ акциядорлик жамиятида аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жалб этиш мақсадида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Ярмаркада қатнашган аҳоли ва коллеж битирувчиларининг 100 нафарга яқини ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашди.

ЖАҲОНДА

• Йил якунларига кўра Италиянинг давлат қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 120,1 фоизига қадар ўсди. Таъкидлаш керакки, ушбу қарз ҳажми 1996 йилда кузатилган рекорд даражадан фақат 0,1 фоизгина кам бўлди холос. Мамлакат иқтисодиётининг ўсиш даражаси эса йил якунларига кўра 0,4 фоизни ташкил этди.

• Шимолий Корея маъмурияти ядро қуроли синовдан ўтказилишига, узоқ масофага учувчи баллистик ракеталар учирилишига ҳамда уранни бойитиш бўйича олиб борилаётган ишларга мораторий эълон қилишга рози эканлигини билдирди. Шунингдек, Йонбендаги йирик ядро объектига МАГАТЭ инспекторларини киритишга рози бўлди. АҚШ эса бунинг эвазига КХДРга 240 минг тонна озиқ-овқат жўнатади.

• Американинг Индиана, Кентукки ва Огайо штатларига хуруж қилган торнадо қурбонлари сони 39 кишига етди. Ҳозирда жабрланганларни излаш ва қутқарув ишлари амалга оширилмоқда.

• Кеча Конго Республикасида амалга оширилган бир қатор портлашлар натижасида 200 га яқин киши ҳаётдан кўз юмди.

• Кеча Польша жанубида рўй берган темир йўл ҳалокати 16 кишининг ҳаётига зомин бўлди.

• Англия пойтахти Лондон шаҳрида Халқаро футбол ассоциациялари кенгаши (IFAB)нинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда футбол қоидаларига баъзи ўзгартиришлар киритиш масаласи муҳокама этилди.

• Аргентина пойтахти Буэнос-Айресда темир йўл ҳалокати рўй берди. Яъни, катта тезликда ҳаракатланаётган шаҳарлараро йўловчи поездининг издан чиқиб кетиши оқибатида 49 нафар йўловчи ҳалок бўлган, 600 дан зиёд киши тан жароҳати олган.

Президентимизнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, кутилганидек, 8,3 фоизни ташкил этди. Юртимиз иқтисодиётининг бундай барқарор ўсиш кўрсаткичи Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки каби нуфузли молия ташкилотлари томонидан юксак баҳоланмоқда.

ХУСУСИЙ МУЛК КАФОЛАТЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан хусусий мулкчиликка кенг йўл очилгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани бундай натижаларга эришишда муҳим омил бўлаётир. Зеро, юртимиз мустақилликни қўлга киритган илк йилларда хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши бор-йўғи 1,5 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунга келиб бу кўрсаткич 54 фоизга етди. Энг муҳими, аҳолининг асосий қисми мазкур соҳада иш билан банд бўлиб, фаровон турмуш кечирмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштириш жараёнлари янада чуқурлаштирилаётгани соҳа ривожида алоҳида аҳамият касб этаётир. Концепцияда илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари бугунги кун талабига мос янги қонунлар қабул қилинишига, хусусий мулкдорлар ҳуқуқлари кафолатлари янада мустаҳкамланишига йўл очмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Концепцияга мувофиқ ишлаб чиқилган «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбатида шулар ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси, ЎзЛиДеП фракцияси, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳамда вилояти ҳокимликлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, экспертлар, ҳуқуқшунос олимлар, тегишли вазирлик ва идораларнинг мутахассислари ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси Б.Иминов, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари А.Долиев, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ф.Зиёев ва бошқалар мамлакатимизда хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлашга қаратилаётган эътибор эл-юртимиз тараққиёти ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади. Ҳар бир мулкдор қонуний мулкининг дахлсизлигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизими эркин тадбиркорлик фаолиятига замин яратмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** 37-оилавий поликлиникада давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобининг мазмун-моҳиятини оммага етказиш юзасидан давра суҳбати ташкил этилди.

✓ **МАЪНАВИЯТ** тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими ҳамкорлигида Тошкент Молия институти қошидаги академик лицейда «Мустаҳкам оилада аёл шамчироқ» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Тошкент машинасозлик касб-ҳунар коллежида 8-март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган «Аёл борки, олам мунаввар» деб номланган байрам тадбири ташкил этилди.

✓ **МАЪНАВИЯТ** тарғибот маркази Олмазор тумани бўлими томонидан туман политехника касб-ҳунар коллежида баҳор ва муҳаббат куйчиси Зулфияхоним таваллудига бағишланган маънавий-маърифий тадбир уюштирилди.

ШАҲАРЧА ҲУДУДИ ОБОДОНЛАШТИРИЛДИ

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида «Ободонлик кўнгилдан бошланади» шиори остида ҳашар ташкил этилди.

Шаҳарча ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ҳудуддаги таълим муассасаларининг талабалари иштирок этди.

Бунёдкорлик, боғ-роғ барпо этиш элимизнинг энг юксак, инсонийлик фазилатларидан саналиб, унинг замирида йигит-қизларни ватанпарварликка, меҳнатсеварликка, табиатни эъзозлашга ўргатиш, уларнинг қалбида меҳр-оқибат, хайр-саховат туйғуларини қарор топтириш туйғуси мужассам.

Эрта тонгдан ўз уйини, маҳалласини, ўзи истиқомат қилаётган талабалар турар жойи теварак-атрофи ва севимли шаҳарчасини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришга бел боғлаган талаба-ёшлар яқинлашиб келаётган яшариш ва янгиланиш айёми — қутлуғ Наврўзи оламга муносиб тайёргарликни бошлаб юборишди. Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни шаҳарча ҳокимлиги қарорига биноан «Тозалик куни» деб эълон қилинган. Шунингдек, шанба ва якшанба кунлари талабалар ва маҳалла аҳли оммавий ҳашар уюштиришади. Шаҳарча ҳокимлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ҳудуддаги барча таълим муассасалари раҳбарияти билан келишилган ҳолда махсус режа асосида ҳар ҳафта ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари ўтказилмоқда.

Ҳашарда Ўзбекистон Миллий ва Тошкент давлат техника университетларига қарашли талабалар турар жойи ҳудуди, Компьютер технологиялари академик лицейи олди майдони, «Шифокорлар» маҳалласи каби кўплаб ижтимоий объектлар ободонлаштирилди. Шунингдек, ҳудуддаги деярли барча ўқув муассасаларида янги гулзор ва хиёбонлар барпо этилди, ариқлар тозаланди.

— Айниқса, йўл четлари, хиёбонлар, ўқув юртларидаги майдонларда мевали ва манзарали кўчатлар ўтказиш, ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳарча кенгаши фаоли, ЎзМУ талабаси Уралжон Камолов. — Ҳатто, мактаб, коллеж ва бошқа олий ўқув юртлари, корхона ва ташкилотлар ҳудудида, шунингдек, катта йўл ёқалари ва атрофида янгидан гулзорлар барпо этилмоқда.

Шаҳарча ободонлаштириш бошқармасининг маълумотларига кўра, бу йил ҳудудга 200 га яқин мевали, 5000 мингдан ортиқ манзарали ва игнабаргли дарахт кўчатлари, 500 мингга яқин турфа гул кўчатлари ўтказилиб, қутлуғ айём — Наврўзи оламни муносиб кутиб олишга тайёргарлик бошланди.

— Йилдан йилга кўркамлашиб бораётган шаҳарчамизнинг ободонлигини сақлашда ҳудудда жойлашган 24 та таълим муассасаларида таҳсил олаётган 45 мингга яқин талаба ва ўқувчиларнинг хизмати беқиёс, — дейди ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Исроил Худойбердиев. — 102 нафар ишчи-ходимларни бирлаштирган бошқармамизда кўкаламзорлаштириш, сувсозлар, механизация, қўл меҳнати ва ташқи безак бўлимлари фаолият юритади. Ўтган йили мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик тўйи муносабати билан 10 та замонавий гулхона ташкил этилиб, 30 минг дона қарағай, 20 мингдан зиёд можевильник игна баргли дарахт кўчатлари, 25 мингта манзарали ва мевали дарахт ҳамда турфа хил гул кўчатлари ўтказилди.

Ҳашарлар ҳудуддаги Талабалар кўчаси, Университет, Кичик ҳалқа йўли, Беруний, Қамарнисо ва Мирзо Ғолиб маҳаллаларида ҳам олиб борилмоқда.

Азима ҚИЁСОВА,
«Туркистон-пресс»

ХУСУСИЙ МУЛК КАФОЛАТЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси шу мақсадда ишлаб чиқилган бўлиб, бозор иқтисодиётининг негизи бўлган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган асосий кафолатларни мустаҳкамлашга қаратилган.

Қонун лойиҳаси нормаларида хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолати тушунчалари, уни амалга ошириш шартлари белгиланган. Хусусий мулкка нисбатан давлатнинг кафолатлари янада мустаҳкамланган. Мулкдорларнинг ўз мулкига эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф қилиши борасидаги ҳуқуқлари кафолатлари кенгайтирилган. Хусусий мулкка нисбатан давлат органларининг ноқонуний ҳаракатлари (ёки ҳаракатсизлиги) учун ушбу органларнинг мансабдор шахслари жавобгарлиги кучайтирилган.

Қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида фуқаролик ва хўжалик судларида мулк ҳуқуқига тааллуқли низоларни кўриб чиқишнинг ҳолати, кўрилаётган ишларнинг мазмуни, даъволарнинг турлари ва уларни қаноатлантириш натижалари каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Суд амалиётида кўрилаётган ишларнинг таҳлили хусусий мулк ҳуқуқининг бузилиши ҳолатлари ва уларнинг хусусиятларини аниқлаш, бундай ҳолатларни бартараф қилиш бўйича қонун нормаларини такомиллаштириш ва қонунни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Давра суҳбати якунида қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб Юртбошимиз раҳнамолигида барча соҳалар қатори транспорт тизимида ҳам улкан ўзгаришлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига намунали транспорт хизмати кўрсатиш шу куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу борада сўнгги йилларда аҳоли эҳтиёжлари эътиборга олиниб, қатор ибратли ишлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

ЙЎЛОВЧИЛАРГА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ — МУҲИМ ВАЗИФА

Яқинда йўловчиларга намунали транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси тизимидаги автокорхоналар, деполар ва хизматлар раҳбарлари, хусусий ташувчилардан ташкил топган МЧЖ раҳбарлари, йўналиш сардорлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ҳамда Тошкент шаҳар ИИББ, Тошкент шаҳар ЙҲХБ, МХХ Тошкент шаҳар бошқармаси раҳбарияти иштирокида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди.

Унда пойтахтимизда йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида барча ҳайдовчилар, ишчи-хизматчилар ва йўловчиларга мурожаат қабул қилинди.

Ушбу мурожаатда транспорт соҳасида фаолият юритиш, кўп минг сонли юртдошларимизга хизмат кўрсатиш, уларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш масъулиятли, айни пайтда шарафли бурч эканлиги таъкидлаб ўтилади.

Ҳайдовчилар етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган турли тоифа, турфа касбдаги инсонларга хизмат қиладилар. Ҳаётини ана шундай савобли ва хайрли меҳнатга бахш этган, ҳамшаҳарларимизнинг ҳожатини чиқариб, кўпчилик дуосига мушарраф бўлаётган меҳнатсевар, хушмуомала, очиққалб ва фидойи транспортчилар юксак ҳурмату эҳтиромга лойиқ, албатта.

Тошкентнинг транспорт-коммуникация тизими кўп сонли ер ости йўллари, йўл ўтказгичлар, пиёдаларнинг ер ости ўтиш жойлари, пиёдалар ва автомобиллар кўприкларидан иборат. Хусусан, Кичик ҳалқа автомобиль йўлида охирги йилларда фойдаланишга топширилган 7 та йўл ўтказгич ва 15 та кўприкдан ҳар куни ўрта ҳисобда 50 мингта автомашина ўтади.

Тошкент кўчаларини тўлдириб қатнаётган қулай «Мерседес» автобуслари ва маҳаллий «Исузу» мидибуслари ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Табиийки, шаҳар аҳолиси йўловчи транспортини уларсиз тасаввур эта олмайди. Пойтахтдаги транспорт ҳаракатида кўплаб муаммолар туғдирган ва халақит берган эски троллейбус хўжалигидан воз кечилгани ҳам эътиборлидир. Трамвайлар эса Кичик ҳалқа автомобиль йўли ҳудудига кўчирилди.

Қоларверса, пойтахтда кўп қаватли автомобиллар тўхташ жойларининг умумий лойиҳалари ишлаб чиқилди. Уларнинг дастлабкилари Чорсу бозорида қурилмоқда. Шу билан бирга, ер майдонини тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш мақсадида ер ости автомобиль тўхташ жойларини бунёд этиш режалаштирилмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳати, пойтахт кўчалари ва йўлларида ҳаракат хавфсизлиги ҳамда жамоат тартибини сақлаш компьютерлаштирилган тизим асосида амалга оширилади. Босқичма-босқич рўёбга чиқариладиган лойиҳа доирасида йўл ҳаракатининг автоматлаштирилган бошқарув тизими 120та чорраҳага ўрнатилади. Ана шундай улкан ишлар натижаси ўлароқ шаҳар йўловчи ташиш транспорти тизимида иш сифати, хизмат кўрсатиш савияси барқарор суръатда ошиб бормоқда.

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги Қарорига асосан 2011-2012 йилларда шаҳар электр транспорти паркининг ҳаракат таркибини «Прага имекс» компаниясида ишлаб чиқарилган 20 дона «Варио Лов Флор» русумли замонавий трамвай вагонларини сотиб олиш ҳисобига янгилаш белгиланган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарорининг аниқ манзилли дастурига «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси йўловчи автотранспорти паркини 100 дона «Mercedes-Benz» русумли автобуслар харид қилиш ҳисобига янгилаш лойиҳаси киритилган.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш мақсадида 2012 йилнинг 22 февраль куни «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ҳамда «ЭвоБус Гмбх» фирмаси ўртасида 100 дона «Mercedes-Benz Conecto Low Floor» русумли автобусларни сотиб олиш бўйича шартнома имзоланди. Самарқандда ишлаб чиқарилаётган «Исузу» русумли шинам, қулай ва замонавий автобуслар шаҳар транспорти таркибини бойитиб, йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги 139-сонли «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларига асосан шу кунгача 1521та йўналишсиз такси бўялди, лицензия варақалари берилди, Тошкент шаҳрида 18та махсус тўхташ жойлари ташкил этилди ва бу ишлар давом эттирилмоқда. Пойтахтимиз кўчаларида ўзимизда ишлаб чиқарилган, махсус белгиларга эга бўлган «Нексия» ва «Ласетти» русумидаги таксилар йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда.

Транспорт соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир инсонда фахру ифтихор туйғуси билан бирга масъулият ҳисси ҳам уйғониши табиий.

Сўнгги йилларда жаҳон миқёсида рўй бераётган нохуш воқеалар йўловчи транспорти воситалари, улар сақланадиган жойлар, хусусан, метрополитенда йўловчилар хавфсизлигини таъминлашга жуда жиддий эътибор қаратилишини тақозо этмоқда. Бу эса нафақат йўловчи транспорти воситалари ходимлари, балки ҳар биримиздан ҳушёр ва огоҳ бўлишни, ён-атрофимизда рўй бераётган воқеаларга тийрак кўз билан қарашни талаб этади.

Президентимизнинг 2006 йил 28 февралдаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳам мулкчилик шаклидан қатъи назар барча йўловчи ташувчилар олдига фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлиги, хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, транспорт хизмати сифатини замон талаблари даражасида таъминлашга қаратилган.

Халқимизнинг «Йўл қоидаси – умр фойдаси» деган нақли бор. Дарҳақиқат, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этиш ҳар биримизнинг тинч-осуда, хотиржам ва соғ-саломат ҳаёт кечиришимиз кафолатидир. Гоҳида ҳайдовчилар, гоҳида пиёдаларнинг эътиборсизлиги, мавжуд тартиб-қоидаларни писанд қилмаслиги оқибатида бахтсиз ҳодисалар юз беради. Ҳайдовчи транспорт воситаси бошқарувига ўтиргандими, нафақат ўзи, балки атрофдагилар ҳаёти учун ҳам масъуллигини дил-дилидан ҳис қилиши керак.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда асосий вазифа ҳайдовчи ва йўловчиларда, умуман, ҳар бир фуқарода ҳуқуқий маданият, қонунга ҳурмат фазилатини шакллантиришдан иборат.

Мавжуд қонун-қоидаларга амал қилиш тинчлигимиз, осойишталигимиз ва хавфсизлигимизни таъминлайди.

Баъзиларга тушунарсиз ёки аҳамиятсиз бўлиб кўринган кўча белгилари, аслида, сизу бизнинг хавфсизлигимиз омили, таъбир жоиз бўлса, ҳаракатланиш пайтида ўзига хос сўзлашув тилидир. Инсон ҳаёти ҳамма нарсадан устун экан, демак, уни асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиз.

Эргаш ИСМАТУЛЛАЕВ

ЎЗБЕКИСТОН «СУРАЖКУНД КРАФТС МЕЛА» МАДАНИЙ АНЖУМАНИДА

Ҳинд фестиваллари деганда киши кўз олдида ҳар бири ўзига хос бўлган гўзал байрамлар, мамлакат халқининг бой анъаналарини ўзида мужассам этган миллий шодиёналар келади.

Ҳиндистоннинг Харяна штатидаги хушманзара Суражкунд туманида бўлиб ўтган «Суражкунд Крафтс Мела» 26-Ҳиндистон фольклор ва халқ-амалий санъати фестивали ўз меҳмонларига дунёнинг кўплаб мамлакатлари санъатининг ажойиб намуналарини тақдим этди. Тадбир Ҳиндистоннинг Сайёҳлик ва Ташқи ишлар вазирликлари томонидан ташкил этилди.

Ўзбекистон делегациясининг мазкур анъанавий маданий анжумандаги иштироки 2012 йил март ойида нишонланадиган Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги санасига тўғри келди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз фестивалда мунтазам равишда иштирок этиб келади. Бундан олдинги 25 - юбилей фестивалда тадбир ташкилотчилари Ўзбекистонни шерик мамлакат сифатида таклиф этган эди.

Ўзбекистон маданий делегациясининг жорий йилдаги иштироки ҳам анжуман ташкилотчилари томонидан юқори баҳоланди.

Фестивалда Хоразм вилоятидаги фольклор гуруҳининг маданий чиқишлари ҳамда ўзбек халқ амалий санъати намуналари муваффақият билан намойиш этилди. Ўзбек миллий ашула ва рақслари, ўзига хос миллий либослар, мамлакатимиз ҳунармандларининг бой амалий санъати намуналари кўп сонли меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

Маросимда сўзга чиққан Ҳиндистон парламенти қуйи палатасининг спикери Мейра Кумар ва Ҳиндистон сайёҳлик вазири Субодх Кант Сахайларнинг таъкидлашича, мазкур фестиваль бутун Ҳиндистон ва кўпгина хорижий мамлакатларнинг фольклор ва халқ амалий санъати анъаналарини ўз атрофида жамлаган майдон бўлди. Уларнинг фикрича, бу гўзал тадбирда хорижий эллар вакилларининг иштирок этиши ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, дунёдаги маданий анъаналарини янада чуқурроқ тушуниш ишига кўмаклашади.

Шуни қайд этиш лозимки, бу йилги фестивалга икки ҳафта ичида дунёнинг турли нуқталаридан бир миллиондан ортиқ киши келди. Бу эса мазкур тадбирга бўлган қизиқишнинг катталигидан далолат беради.

«Жаҳон» АА
Деҳли

Ахборот-коммуникация технологиялари

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов бошчилигида ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва уларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва дунёга машҳур Microsoft корпорацияси ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолади. Бу шартнома Microsoft негизида ўзбек тилида дастурлар яратилишини қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш, Тошкент ахборот технологиялари университетида Microsoft ахборот-ресурс марказини ташкил этишни ўз ичига олган таълим соҳасидаги ўзаро ташаббусларни, Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича биргаликдаги тадбирларни амалга оширишни назарда тутади.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг бош директори ўринбосари Ш. Отамуҳамедовнинг таъкидлашича, ушбу шартнома инновацион технологиялар ва дастурларни кундалик ҳаётда қўллаш ва ўқитиш воситасига айлантириш ҳамда барча тоифадаги фуқаролар ва ташкилотларга улардан фойдаланиши имконини яратиш бўйича мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Бугун Ўзбекистонда ахборот технологиялари давлат бошқарувида кенг қўлланилмоқда. Корхона ва ташкилотлар фаолиятини янада кенгроқ ахборотлаштириш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида электрон ҳужжат алмашинуви ҳамда электрон рақамли имзолаш тизими кенг жорий қилинмоқда. Бошқарув тизимини такомиллаштириш, маҳаллий ва тармоқлараро масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш учун энг янги дастурлар ва ишланмалардан фойдаланилмоқда, давлат ва идоралар томонидан интерфаол хизматларни тақдим этиш ишлари амалиётга жорий қилинмоқда.

Икки томонлама битимни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Алоқа тарихи музейида корпорациянинг вазирликлар ва идоралар учун берган хулосаларини муҳокама қилишга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Семинарда вазирлик ва идоралар, шунингдек, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига тегишли корхоналарнинг 50 дан ортиқ вакиллари қатнашди.

Microsoftнинг Марказий Осиё бўйича бошқарувчиси Т.Телегина ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида самарали ҳамкорлик қилишнинг аҳамияти, давлат бошқаруви органларининг кундалик амалиётида энг янги дастурий ишланмалардан фойдаланиш ва уларни бирдек ўзлаштириб бориш хусусида ўз фикрларини билдирди.

Microsoftнинг Марказий ва Шарқий Европадаги вакиллари ҳам давлат органларининг идораларо алоқаларини мустаҳкамлашга кўмаклашиш учун корпорациянинг маҳсулотлари ва берган хулосалари, ахборот технологиялари инфратузилмасини бошқариш вазифаларини соддалаштирадиган дастурларнинг замонавий бозорини шакллантиришда давлатнинг роли, меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилувчи давлат муассасалари учун янги таклифлар ҳамда корпорациянинг таълим соҳасидаги ташаббуслари ҳақида атрофлича гапириб берди.

Семинарда, шунингдек, Microsoft корпорациясининг ҳамкори бўлган Nextsense компаниясидан келган электрон ҳукумат йўналиши бўйича экспертлар электрон ҳукуматни яратиш юзасидан ўз тажрибалари ҳақида сўзлаб берди. Бошқарувнинг замонавий технологияларини жорий қилиш, давлат томонидан тақдим этилаётган хизматларнинг сифати ва оммабоплигини ошириш ишларини давлат ҳокимияти органларининг ахборот тизимини янгиламасдан туриб амалга ошириб бўлмаслиги алоҳида қайд этилди.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуман «Оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, маънавий ҳаётни юксалтириш, жамиятда эзгу инсоний фазилатларни кенг қарор топтириш, миллий урф-одатларимизни зарарли таъсирлардан асраб-авайлаш борасидаги устувор вазифалар» мавзусига бағишланди.

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

МАҲАЛЛА — ЖАМИЯТ НЕГИЗИ

«Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви ташаббуси билан ташкил қилинган анжуманда тегишли идоралар, ҳамкор ва мутасадди ташкилотлар вакиллари, маҳалла фаоллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Жамиятнинг асосий бўғини саналмиш оила тинчлиги, фаровонлиги ва мустаҳкамлиги бугун нафақат инсонлар ҳаётига боғлиқ, балки, айни пайтда муайян ижтимоий аҳамият ҳам касб этади. Оиланинг тинчлиги ва мустаҳкамлигида, аввало икки комил инсоннинг ақл-заковати, кенг тафаккури, маънавий дунёсининг бойлиги ва қоларверса, моддий таъминотнинг етарлилиги ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

— Фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги ислоҳотларнинг самарадорлигида ўзининг 14 та ҳудудий бўлинмаларига, 196 та туман ва шаҳар бўлинмаларига эга бўлган Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармасининг алоҳида ўрни бор, — дейди Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов. — Чунки асосий вазифалари сирасига, айнан маҳаллаларда шаклланадиган миллий урф-одатларимизни ҳаётга татбиқ қилиш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, маҳаллалар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш киради. Бугунги кунда республикамизда 9973 та фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи мавжуд бўлиб, улар ўз фаолиятларини биринчи навбатда, давлат дастурлари, амалдаги қонунчилик ва тизим меъёрий ҳужжатлари асосида олиб бормоқдалар. Асосий мақсад, ёш оилаларни ҳаёт синовларидан олиб ўтишда, жамиятимизда инсоний фазилатларни қарор топтиришда, қадриятларимизни асраб-авайлашда, ёшларимизни турли зарарли иллатлар ва оқимлар таъсиридан сақлашда одамларга елкадош бўлишдир. Кўмак, маслаҳат беришда маҳаллаларнинг ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Кам таъминланган оиларга ҳар томонлама ёрдамлашиш, ижтимоий-моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳам маҳалла эътибори ҳамда ғамхўрлиги остида амалга оширилади. Жаннатмакон юртимизнинг янада равнақ топишида, фаровонлиги ошиши ва юксалишида оилалар асосий восита бўлиб хизмат қилади. Шундай экан уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, айниқса ёш оилаларни муҳофаза қилиш барчамизнинг асосий вазифамизга киради.

Шунингдек, анжуманда жамғарма томонидан мамлакатимиз фуқаролари учун, ижтимоий ҳимояга муҳтож қариялар, ёш оилалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотганларга кўрсатилаётган ёрдам, аҳолининг маҳалла фаолиятига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга доир масалалар муҳокама қилинди. Шу кунга қадар олти миллионга яқин оилаларнинг аҳволи ўрганиб чиқилганлиги, улар орасидан моддий, тиббий ва маънавий ёрдамга муҳтожлар аниқланиб, жамғарма тузилмалари ва маҳаллалар томонидан 379 мингта фуқаролар иш билан таъминланганлиги ҳамда 22 мингга яқин фуқароларга моддий ёрдам кўрсатилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Тадбир сўнгида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олдилар.

Гули ЧЕҲРА

Ўзбекистон тарихи давлат музейида Ўзбекистон билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликнинг 20 йиллигига бағишланган фотокўргазма ташкил этилди. Тадбирнинг очилишида мамлакатимиз вазирлик ва идоралари, жамоат бирлашмалари, Ўзбекистонда аккредитация қилинган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОН — БМТ ҲАМКОРЛИГИ ФОТОСУРАТЛАРДА

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Фанлар академияси вице-президенти Баҳром Абдуҳалимов, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Анита Нироди Ўзбекистон дунёнинг кўплаб давлатлари, жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганини, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва мавқеи тобора юксалиб бораётганини алоҳида таъкидладилар. Ўзбекистоннинг БМТ билан алоқалари изчил ривожланиб бораётгани, ташкилотнинг қатор тузилмалари билан яқин ҳамкорлик мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузини янада оширишга хизмат қилаётгани қайд этилди.

Бундан 20 йил аввал – 1992 йил 2 март куни Ўзбекистон БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Бугун Ўзбекистон БМТнинг турли йўналишларга ихтисослашган қатор таркибий тузилмалари билан фаол ҳамкорлик қилиб келаётир. Мамлакатимизда иқтисодиёт, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, экология каби соҳаларда жорий этилган дастурлар амалиётга изчил татбиқ этилаётгани Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги улкан муваффақиятларнинг қўлга киритилишида муҳим омил бўлмоқда.

– Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётгани ва мамлакатингизда Мингйиллик мақсадларига эришишга катта эътибор берилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман, – деди ЎзА мухбирига Анита Нироди. – Ўзбекистон билан йигирма йиллик ҳамкорлигимиз давомида ижтимоий-иқтисодий, фан-таълим, маданият, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш каби кўплаб соҳаларда қатор қўшма лойиҳаларни амалга оширдик ва улкан ютуқларга эришдик. БМТ Ўзбекистон Республикасининг жамият ҳаётининг барча соҳаларини тараққий эттириш борасидаги ташаббуслари ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини юксак қадрлайди ва қўллаб-қувватлайди.

Кўргазма экспозициясидан ўрин олган юзга яқин ранг-баранг фотосуратларда Ўзбекистон ва БМТ билан ҳамкорликда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ўз ифодасини топаётгани, иқтисодиёт, фан-таълим, маданият, атроф-муҳит муҳофазаси каби йўналишлардаги қўшма лойиҳалар, аҳоли саломатлиги ва фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлар турли жанр ва услубларда ёрқин акс эттирилган.

Нодира МАНЗУРОВА

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол улғайишига хизмат қилмоқда. Спорт билан шуғулланаётган болалар сафи кенгайгани сари улар ўртасида турли касалликларга чалиниш ҳолатлари камайиб бораётгани, айрим хасталикларга спорт орқали бутунлай барҳам берилаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Болалар спорти

СКОЛИОЗНИНГ ДАВОСИ СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШДИР

Мутахассисларнинг таъкидлашича, болалар ўртасида учраб турадиган шундай хасталиклар борки, уларни даволаш учун фақат спорт билан шуғулланиш тавсия этилади. Сколиоз – ана шундай хасталиклардан бири.

– Сколиоз одамнинг умуртқа поғонаси фаолияти ва ривожланиши билан боғлиқ, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг травматология, ортопедия ва нейрохирургия кафедраси доценти, тиббиёт фанлари номзоди Фатхулла Умархўжаев. – Инсоннинг умуртқа поғонаси гавданинг мувозанатини ушлаб турувчи муҳим устундир. Сколиоз хасталиги туфайли эса умуртқа поғонаси мўртлашиб, қийшая бошлайди. Шу боис умуртқа поғонаси айни ривожланиш палласида бўлган болаларни ушбу касалликдан асраш, профилактика қилиш, ўз вақтида даволаш муҳим аҳамиятга эга. Бу касалликнинг келиб чиқиш сабабини мутахассислар турлича изоҳлайди. Баъзи олимлар уни ирсиятга, айрим шифокорлар эса бошқа тиббий-ижтимоий омилларга боғлайди.

Болалар ва ўсмирлар организмининг ривожланиш босқичида бу хасталикка чалиниш хавфи кучаяди. Умуртқа поғонасининг қийшайиши оқибатида юрак, ўпка каби ички аъзолар фаолиятига жиддий таҳдид туғилади. Бундай касалликка чалинган бола ўсиб-ривожланишдан ортда қолади. Шу боис бу хасталик профилактикаси ва даволашнинг самарали йўлларини топиш – жаҳон тиббиётидаги долзарб вазифалардан. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сколиозни эрта босқичларда аниқлаш ва ривожланишининг олдини олишда бадантарбия ва жисмоний тарбия машқларининг ўрни беқиёс. Агар касалликнинг биринчи босқичларидаёқ сузиш, турли жисмоний машқлар, бадантарбия машғулотларига жалб этилса, уларнинг кун тартиби ортопедик режимга ва соғлом турмуш тарзи талабларига мос ташкил этилса, боланинг мушак ва пай тизими яхши ривожланади. Бундай машғулотлар бажарилаётган пайтда умуртқа куч-қувват олади. Бу беморни соғломлаштириш ва ногиронликнинг олдини олишда муҳим омил бўлади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида оналик ва болаликни муҳофазалаш, оилада соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлаш, болаларни оммавий спортга жалб этиш, тиббий-профилактика ишлари қамровини кенгайтиришга қаратилаётган доимий эътибор бу борадаги устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим омил бўлаётир. Мисол учун, 2010 йилда 2005 йилга нисбатан ўқувчилар ўртасида турли ўткир респираторли вирусли инфекция, бронхит, шунингдек, сколиоз билан касалланиш 11,6 фоизга камайди.

«Болаларни 3-5 ёшдан спортга жалб этиш катта аҳамиятга эга. Чунки айни шу даврда ҳар бир боланинг характери шакллана бошлайди, ҳаётга теран кўз билан қарашга ўрганади. Спортга меҳр қўйган бола бир умр спортга ошно бўлиб қолади. Спорт боланинг нафақат саломатлигини мустаҳкамлайди, балки зарарли иллатлардан уни ҳимоялайди, характерини тоблайди», деб таъкидлади Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг шу йил 10 февралда бўлиб ўтган йиғилишида. Бу эзгу мақсаднинг улкан самаралари мамлакатимизда болалар саломатлигини сақлаш, уларни оммавий спортга кенг жалб қилиш каби ишларни узвий тарзда ташкил этишда ҳам ўз ифодасини топаётир.

Қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда ҳар йили аҳоли, жумладан, болалар ва ўсмирлар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади. Бу жараёнда пойтахтимиз ва вилоятлардаги тиббий-илмий марказлар, марказий шифохоналарнинг етакчи мутахассислари ҳам фаол иштирок этаётгани касалликларни эрта босқичда аниқлаш ва ўз вақтида соғломлаштириш имконини бермоқда. Бу жараёнда болалар ва ўсмирлар ўртасида оммавий спортни ривожлантириш масалалари доимий эътиборда. Изчил саъй-ҳаракатлар натижасида бугунги кунда мамлакатимизда мутлақо соғлом болалар кўрсаткичи 69,2 фоизга етди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 28 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларни, тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтож ўғил-қизларга ихтисослаштирилган тарзда тиббий хизмат кўрсатиш, аҳолининг бундай қатламини доимий ижтимоий ҳимоялашда муҳим омил бўлмоқда. Мисол учун, сколиоз хасталиги аниқланган болаларга махсус шароитларда таълим-тарбия бериш мақсадида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бир нечта мактабгача тарбия муассасалари ва ўнта мактаб-интернат фаолият юритмоқда. Ушбу таълим-тарбия ва соғломлаштириш масканларида болалар бепул даволаниб, таълим олмоқдалар.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 4-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаси – улардан бири.

– Учтепа туманидаги 592-мактабнинг бешинчи синфида ўқиётганимда мактабимизда тиббий кўрик ташкил этилди, – дейди мазкур муассасанинг 9-синф ўқувчиси Суннатилла Холиқов. – Шифокорлар умуртқа поғонамда ўзгаришни аниқлаб, биринчи даражали сколиоз ташхисини қўйди. Уларнинг тавсияси билан бу ерга ўқишга келдим. Мактабимизда замонавий андозалар асосида таълим олиш билан бирга, спорт билан мунтазам шуғулландим. Яқинда яна тиббий кўрикдан ўтдим ва мутлақо соғайганим маълум бўлди. Мактабни тугатиб, тиббиёт коллежи ва олий ўқув юртида ўқиб, ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш ишларига ҳисса қўшмоқчиман.

Мазкур мактаб директори Шоҳида Аҳмедованинг айтишича, ҳозирги кунда 384 нафар ўқувчи тақсил олаётган таълим масканида дарсларни жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш, ёшларнинг дунёқарашини юксалтириш, саломатлигини яхшилаш, жисмоний ва маънавий камолотга етказиш учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган.

Мактаб синфхоналари ортопедик режимда дарс ўтиш учун мослаштирилган ускуналар, замонавий таълим технологиялари ва жиҳозлари билан таъминланган. Компьютер синфи ташкил этилган. Жисмоний машғулотларни ўтказиш учун очиқ ва ёпиқ спорт заллари, тўртта даволаш гимнастика зали, сузиш ҳавзаси – ўқувчилар ихтиёрида. Уларга қарийб тўқсон нафарга яқин малакали педагог ва тарбиячи таълим-тарбия бермоқда. Қирқ нафардан кўпроқ малакали врач ва ҳамшира ёшларнинг саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш бўйича иш олиб бормоқда.

– Йигирма йилдан буён шу мактабда ишлайман, – дейди мазкур мактаб директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Матлуба Ёқубова. – Ҳозирги кунда халқимизнинг тиббий маданияти тобора юксалиб бораётгани, ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари мунтазам йўлга қўйилгани сколиоз касаллигини эрта босқичларда аниқлаш ва соғломлаштириш имконини бермоқда. Таълим даргоҳимизга асосан касалликнинг биринчи ва иккинчи босқичларида кўпроқ мурожаат қилишади. Уларни соғломлаштиришда физиотерапия муолажалари ва даволаш жисмоний тарбия машғулотларини уйғун ҳолда олиб борамиз. Даволаш гимнастика залларимизда спорт инструкторлари ҳар бир болага индивидуал ёндашади. Касалликнинг белгиларига қараб машғулотлар ўтказилади. Ўқувчиларнинг кун тартибини тўғри ташкил этиш, уларни ўз вақтида овқатлантириш, дарслар орасида танаффус қилиш, тоза ҳавода сайр уюштириш ҳам тиббий муолажаларнинг муҳим қисмидир.

Мактабда болалар ортопедияси, вертебрология ва травматология соҳасидаги илмий янгиликлардан самарали фойдаланишга доимий эътибор қаратилади. Бу борада Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Травматология ва ортопедия илмий текшириш институти, Республика болалар ортопедия маркази каби илмий-тадқиқот муассасалари ва шифохоналар билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ўқувчилар таълим-тарбияси ва саломатлигини тиклаш борасида амалга оширилаётган бундай изчил чора-тадбирлар самарасида мазкур таълим маскани битирувчиларининг қарийб тўқсон фоизи тўлиқ реабилитация қилинмоқда. Бу юзлаб ёшлар ногиронликдан асраб қолиниб, соғлом ҳаётга қайтарилди демакдир.

Мамлакатимизда ҳаётга изчил татбиқ этилаётган «Соғлом она – соғлом бола» концепцияси, болалар спортини ривожлантириш, ёшларни оммавий спортга жалб қилиш, йигит-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, тиббий-профилактика ишлари самарасини мунтазам такомиллаштиришга қаратилган дастур ва лойиҳалар бундай хайрли ишлар кўламини янада кенгайтиришда юксак самаралар бермоқда.

Баҳор ХИДИРОВА

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

ОБОД ЮРТНИНГ БАХТЛИ АЁЛЛАРИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида оила институтини ривожлантириш, оналик ва болалик манфаатларини таъминлаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини янада юксалтириш масалаларига устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан аёлларнинг касб, жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва оила спортини ривожлантириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўтказилаётган ижтимоий лойиҳалар, хайрия акциялари, маърифий тадбирлар хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, касаначиликни янада ривожлантириш, оилаларнинг моддий фаровонлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Шу кунларда жойларда 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунини юксак савияда, кўтаринки кайфиятда ўтказишга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасидан маълум қилишларича, байрам тадбирлари мамлакатимиздаги барча маҳалла, мавзе ва даҳаларда кенг нишонланади. Кўча-кўйлар, хиёбонлар, йўлаклар ободонлаштирилмоқда. Серфарзанд, эҳтиёжманд оилалар, ижтимоий кўмакка муҳтож онахонлар ҳолидан хабар олишга доир савобли ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

– Барча жойларда бўлгани каби маҳалламизда ҳам 8 март байрамига алоҳида тайёргарлик кўрилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги «Пахта» маҳалласи хотин-қизлар қўмитасининг раиси Васила Содиқова. – Маҳалламизда беш минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Аёллар билан ишлаш жараёнида ҳар бир оиладаги маънавий муҳитни ўрганиш, хотин-қизларни ўйлантираётган масалаларнинг туб моҳиятига етиш, миллий қадриятларимиз мазмуни ва аҳамиятини ёшларга тўғри етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Байрам арафасида маҳалламиз аёллари учун санъаткорлар, олимлар, илғор хотин-қизлар иштирокида маънавий-маърифий анжуманларни ўтказишни кўзда тутганмиз.

Бу каби тадбирлар юртимиздаги Меҳрибонлик, Саховат ва Мурувват уйларида, махсус муассасаларда ҳам ташкил этилади. Байрамолди учрашув ва давра суҳбатлари, маърифий анжуманларда диёримиздаги хотин-қизларни эъзозлашга, оила, оналик ва болалик манфаатларини таъминлашга доир эзгу саъй-ҳаракатлар, ҳаётга татбиқ этилаётган ижтимоий дастурларнинг аҳамияти ва самаралари ҳаётий мисоллар ёрдамида кенг тарғиб этилади. Табаррук ёшли онахонлар, азиз момоларимиз учун «Юз билан юзлашганлар», «Доимо ардоғимиздасиз» мавзуидаги маърифий тадбирлар бўлиб ўтади. Хасталар ҳолидан хабар олиш, шифохоналар, сиҳатгоҳларда даволанаётган оналарни йўқлаш, уларга руҳий мадад беришга алоҳида эътибор қаратилади.

Таълим даргоҳларида ҳам ушбу айёмга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

– Коллежимизда тикувчилик, модельер-дизайнерлик, молия ва бухгалтерия сингари ихтисосликлар бўйича қарийб минг нафарга яқин ўқувчи билим олмоқда, – дейди Яккасарой енгил саноат касб-ҳунар коллежи директорининг ўринбосари Комила Ҳошимова. – Билим масканимизда Халқаро хотин-қизлар байрами ҳар йили кўтаринки рухда кенг нишонланади. Жорий йилда ҳам маърифий тадбир билан бирга, чевар қизлар иштирокида миллий либослар фестивали, пазандалик бўйича кўрик-танлов ўтказишни режалаштирганмиз. Бундай ранг-баранг тадбирлар қизларнинг маҳорати, билимини намойиш этишда алоҳида аҳамият касб этади.

Халқаро хотин-қизлар куни арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўқувчи қизларга махсус спорт кийимлари топширилади. Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари иштирокидаги «Обод юртнинг бахтли қизлари» мавзуидаги учрашувлар, мушоиралар, давра суҳбатлари, аёллар ўртасида спорт мусобақалари, концертлар, хайрия акциялари, фото ва бадиий кўргазмалар байрамга янада катта шукуҳ бағишлайди.

Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг манфаатларини ҳимоялаш борасида кўрсатилаётган доимий ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодасидир.

Назокат УСМОНОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2012 йил 5 апрель куни соат 11:00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилмоқда:

Чилонзор туман Суд ижрочилари бўлими томонидан савдога қўйилган:

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг 2011 йил 19 октябрдаги 1-11026/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, М.А.Топиловага тегишли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Ц» даҳаси, 22-уй, 10-хонада жойлашган, умумий майдони 77,61 м.кв., яшаш майдони 51,31 м.кв. бўлган, 4 қаватли уйнинг 1-қаватидаги 3 хонали уй.

Бошланғич нархи – 92 000 000 сўм.

Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан савдога қўйилган:

1. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, А.Тешабаевга тегишли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 1-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.

Бошланғич нархи – 255 151 000 сўм.

2. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, А.Тешабаевга тегишли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 2-хонада жойлашган, умумий майдони 118,21 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.

Бошланғич нархи – 253 586 000 сўм.

3. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ф.Тешабаев, А.Тешабаевларга тегишли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 3-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 3-қаватидаги 3 хонали уй.

Бошланғич нархи – 259 715 000 сўм.

4. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, А.Тешабаевга тегишли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 4-хонада жойлашган, умумий майдони 118,21 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 3-қаватидаги 3 хонали уй.

Бошланғич нархи – 258 122 000 сўм.

5. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, З.Равшановага тегишли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 5-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй.

Бошланғич нархи – 259 273 000 сўм.

6. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, З.Равшановага тегишли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 6-хонада жойлашган, умумий майдони 118,21 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй.

Бошланғич нархи – 258 122 000 сўм.

7. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, А.Тешабаевга тегишли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 7-хонада жойлашган, умумий майдони 241,81 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 5-қаватидаги 6 хонали уй.

Бошланғич нархи – 527 113 000 сўм.

8. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, З.Равшановага тегишли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 8-хонада жойлашган, умумий майдони 239,4 м.кв. бўлган, 6/5-6/7 хонали уй-жой.

Бошланғич нархи – 521 859 000 сўм.

9. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, А.Шукуровга тегишли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 9-хонада жойлашган, умумий майдони 118,21 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.

Бошланғич нархи – 258 122 000 сўм.

10. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, А.Шукуровга тегишли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 10-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.

Бошланғич нархи – 259 150 000 сўм.

11. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ф.Шукуровага тегишли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 11-хонада жойлашган, умумий майдони 118,21 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 3-қаватидаги 3 хонали уй.

Бошланғич нархи – 258 122 000 сўм.

12. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ф.Шукуровага тегишли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 12-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.

Бошланғич нархи – 259 273 000 сўм.

13. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, З.Равшановага тегишли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 13-хонада жойлашган, умумий майдони 118,24 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй.

Бошланғич нархи – 257 747 000 сўм.

14. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, А.Шукуровга тегишли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 14-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй.

Бошланғич нархи – 259 715 000 сўм.

Ушбу кўчмас мулклар аукцион савдоларида сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий очиқ аукцион савдолари 2012 йил 20 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Ушбу кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 17:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар объектнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Мурожаат учун манзил:Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: 250-19-24.

Лицензия RR-0017.

«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ қуйидагиларни маълум қилади!

Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан тақдим қилиниб «Халқ сўзи» газетасининг 15.02.2012 йилдаги 32(5452)-сони ва «Тошкент оқшоми» газетасининг 15.02.2012йилдаги 32(12.093)-сонида чоп этилган хабарномалари билан «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖнинг аукцион савдоларига чиқарилган, Учтепа тумани, 22-даха, 10-уй манзилида жойлашган 4 қаватли бинонинг 1-қавати аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қиламиз. **Асос:** Учтепа туман СИБнинг 01.03.2012 йилдаги К-5/20-сонли хати. Манзилимиз: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. Лицензия: RR-0001

Фестиваллар

СОҒЛОМ АВЛОД — КЕЛАЖАК ТАЯНЧИ

Мамлакатимизда ёшларни жисмонан соғлом, ақлан етук тарзда вояга етказиш, иқтидор, қобилиятларини тўла намоён этишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш ва келажак эгаларини спортга кенг жалб этиш мақсадида кўплаб самарали ишлар амалга оширилаётир.

Жумладан, «Юнусобод» спорт мажмуасида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Сен ёлғиз эмассан» Республика болалар жамоатчилик жамғармаси томонидан юртимизда болалар спортини ривожлантириш, ўсмирларни спортга кенгроқ жалб қилиш ҳамда Мустаҳкам оила йили муносабати билан ўсмир қизлар ўртасида «Нафосат олами» шиори остида «Соғлом авлод учун» кубоги учун Республика спорт фестивали мусобақалари ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишнинг муҳим воситаларидан бири сифатида спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор бу каби кўплаб тадбирларнинг республика, қолаверса, халқаро миқёсда ўтказилишига муҳим замин яратмоқда.

Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида барпо этилган замонавий, барча қулайликларни ўзида мужассамлаштирган спорт мажмуалари эса бу каби хайрли мақсадларга тўлақонли эришиш ҳамда йигит-қизларимизни ҳар томонлама соғлом ва бақувват вояга етказишда муҳим аҳамият касб этаётир.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида илк маротаба ташкил этилган мазкур фестивалда ҳам 300 нафардан зиёд гулғунчалар спортнинг бадиий гимнастика, спорт гимнастикаси, спорт рақси, сузиш, синхрон сузиш ва бошқа турлари бўйича ўз иқтидорларни намоён этдилар.

Фестивалнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазири Т. Қўзиев ва бошқалар юртимизда болалар спортини ривожлантириш, фарзандларимизни жисмонан ва маънан соғлом, мустаҳкам иродали, интеллектуал салоҳияти юксак инсонлар бўлиб етишишлари борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Дарҳақиқат, бу каби фестиваллар ёш авлод вакилларини қизғин беллашувларга чорлаш баробарида улар ўртасида ўзаро дўстлик, ҳамжиҳатлик фазилатларини шакллантириш, тажриба алмашишларига айниқса, ўз маҳоратларини намоён этишларига катта имконият яратади.

– Мусобақалар жуда қизғин ўтаётир, – дейди Олмазор туманидаги «Намуна» болалар спорт мажмуаси бадиий гимнастика тўгараги мураббийси Азиза Мирзаахмедова.– Мазкур спорт фестивалида олти нафар иқтидорли шогирдларим иштирок этмоқда. Бундай оммавий спорт беллашувларида қатнашиш ёшларда спортга бўлган қизиқишни оширибгина қолмай, улар қадди-қоматининг чиройли шаклланишида, келгусида соғлом она бўлиб, баркамол фарзандларни вояга етказишда жуда муҳим ўрин тутади, деб биламан.

Қизғин ва муросасиз баҳсларга бой тарзда ўтган мусобақалар якунида ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Асқар ЁҚУБОВ (ЎзА) олган сурат

Фестивалнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова сўзга чиқди.

Садоқат АСЛАНОВА

Спорт янгиликлари

ЙИҒИН ЯКУНИГА ЕТДИ

Маълумки, келгуси йили футбол бўйича ёшлар ўртасида ўтказиладиган Осиё чемпионатига саралаш турнирида Ўзбекистон терма жамоаси Иордания, Яман, Бангладеш ва Непал терма жамоалари билан бир гуруҳда ғолиблик учун кураш олиб боради.

Ушбу нуфузли турнирга ҳозирлик кўриш мақсадида Алексей Евстафеев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бир неча кун давомида Ўзбекистон футбол федерациясининг сунъий қопламали майдонида илк ўқув-йиғин машғулотларини ўтказганидан мухлисларнинг хабари бор албатта.

Йиғин доирасида ёшлар терма жамоамиз Зарафшоннинг «Қизилқум» командаси билан назорат-ўртоқлик учрашувида куч синашиб, томонлар 2:2 ҳисобидаги дуранг натижага рози бўлишгани ҳақида хабар берган-дик.

Шунингдек, Алексей Евстафеев шогирдлари «Қизилжар» жамоаси билан ҳам куч синашишди. Деярли тенгматенг курашлар остида кечган баҳсда ёшлар терма жамоаси 0:1 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди. Шундай қилиб ёшларимиз учун ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтаган ўқув-йиғин машғулотлари якунига етди.

Москва шаҳрида бадиий гимнастика бўйича Гран-при мусобақасининг биринчи босқичи якунланди.

ГИМНАСТИКАЧИЛАРИМИЗ СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот хизматидан маълум қилишларича, Зарина Курбонова, Ольга Кирякова, Екатерина Сафронова, Луиза Ғаниева, Феруза Мўминова ҳамда Марта Растабуровадан иборат Ўзбекистон терма жамоаси нуфузли мусобақанинг гуруҳ баҳсларида кўпкураш бўйича учинчи ўринни эгаллаган.

Шунингдек, ушбу спорт анжумани доирасида ўсмирлар ўртасида ҳам халқаро турнир ташкил этилди. Мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган Равиля Фархутдинова булавада машқ бажариш бўйича учинчи ўринни эгаллади.

13 ёшли Равиля Москвадаги турнир олдидан Эстониянинг Тарту шаҳрида ўтган халқаро мусобақада ҳам муваффақиятли қатнашган эди. У яккаликлар ўртасида тўп билан машқ бажаришда олтин, тасма ҳамда булава ўйинатишда бир жуфт кумуш медални қўлга киритди. Шунингдек, мазкур мусобақада 12 ёшли Зулфия Йўлдошеванинг тасма ёрдамида бажарган композицияси ҳакамлар томонидан юқори баҳоланиб, у кумуш медаль билан тақдирланди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси

ЭЪТИРОЗ ИНОБАТГА ОЛИНМАДИ

Халқаро футбол уюшмаси — ФИФА Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари Сервер Жепаров, Вагиз Ғалиулин, Санжар Турсунов, Шавкат Муллажонов, Ислом Тўхтахўжаевларни, шунингдек, Ўзбекистон футбол федерациясини моддий жаримага тортганди.

Албатта бунга жаҳон чемпионатига саралаш турнири учинчи босқичидаги Ўзбекистон — Тожикистон терма жамоалари ўртасида кечган гуруҳ баҳсида футболчиларимиз томонидан қўлга киритилган сариқ карточкалар сабаб бўлганди. Шу муносабат билан Ўзбекистон футбол федерацияси раҳбарияти томонидан норозилик аппеляцияси ФИФАга тақдим этилганди. Ушбу масалани қайта кўриб чиққан Халқаро футбол уюшмаси аппеляцияга ўз муносабатини билдирди. Унга кўра ФИФА қарори ўз кучида қолди.

Футбол мухлисларига маълумки, 14 март куни «Лондон — 2012» йўлланмаси учун саралаш турнири учинчи босқичи гуруҳларида сўнгги тур беллашувлари бўлиб ўтади.

БАҲСЛАР БИР ВАҚТДА БОШЛАНАДИ

Унда бир қатор қизиқарли учрашувлар билан бирга, ёзги Олимпиада ўйинларига борадиган олимпия терма жамоаларининг номи аниқланади. «В» гуруҳида БАА, Ироқ, Австралия олимпия терма жамоаларига қарши ғолиблик учун кураш олиб бораётган Вадим Абрамов шогирдлари шу куни Тошкентда гуруҳ пешқадами БАА олимпиячиларини қабул қилишади. Шуни таъкидлашни истардикки, араблардан уч очкога ортда қолаётган олимпиячиларимизни ҳар қандай ҳисобдаги ғалаба қониқтиради.

Айни пайтда «А» гуруҳида Жанубий Корея олимпия терма жамоаси «Лондон — 2012» йўлланмасини қўлга киритган. «В» гуруҳида эса ягона йўлланма эгаси ҳали номаълум. Қолган гуруҳда ҳам вазият чигал. Чунки «С» гуруҳидан «Лондон — 2012» йўлланмасини Япония қўлга киритадими ёки Сурия олимпиячиларими? Бу саволларга сўнгги турда жавоб олиш мумкин. Шунинг учун ҳам сўнгги тур баҳслари бир вақтда ўтказиладиган бўлди.

Биз эса Ўзбекистон олимпия терма жамоасига БАА олимпиячиларига қарши кечадиган муросасиз баҳсда омад тилаймиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва Германиянинг «Фриденсдорф Интернейшнл» халқаро ташкилоти ўртасида уч томонлама ҳамкорлик битими имзоланган эди. Унга кўра терининг куйиш асоратлари, туғма лаб-танглай ва оёғида нуқсони бор болалар Германиядаги нуфузли тиббий муассасаларда даволанмоқдалар.

Жамоат ташкилотлари фаолиятидан

ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

2002 йилдан буён 200 нафардан ортиқ ўзбекистонлик болалар ҳамкорлик битими асосида клиникаларда соғлиқларини тиклашга муваффақ бўлдилар. Шунингдек, ушбу халқаро ташкилотнинг грант маблағи ҳисобига қисқа вақт ичида республика бўйича 430 нафар туғма лаб-танглай, оёқ ва қийшиқ бўйин нуқсонлари билан 15 ёшгача бўлган болаларда жарроҳлик операциялари муваффақиятли ўтказилди.

Куни кеча эса Тошкент халқаро аэропортида Германия Федератив Республикаси клиникаларида даволаниб қайтган яна бир гуруҳ ўзбекистонлик болалар кутиб олинди.

— «Фриденсдорф Интернейшнл» халқаро ташкилоти гранти маблағи ҳисобига 2011 йилда республикамиз бўйича 250 нафар туғма лаб-танглай нуқсонли жисмонан имконияти чекланган болаларнинг жарроҳлик йўли билан саломатликлари тикланди, дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг ижрочи директори Н. Мўминов. Бугун эса 1998-2001 йилларда туғилган Тошкент, Самарқанд, Бухоро вилоятларида истиқомат қилувчи даволаниб қайтган болалар кутиб олинди.

— Болалигимда ўнг оёғим жуда кўп оғрирди. Ёшлигим сабабли эътибор қилмаганман, ота-онам ҳам ўз юмушлари билан бўлиб вақтида қарамаганлар. Натижада оёғим қийшиқ ўсиб, ногирон бўлиб қолдим, — дейди Баҳром Абдуллаев. –2011 йилнинг август ойида Германияга даволаниш умидида «Соғлом авлод учун» жамғармасининг дастури асосида жўнаб кетдик. Мана бугун бир нечта юртдошларим билан соғ-саломат Ватанимизга қайтдик. Мен сингари ёшларнинг соғлом келажаги, нурафшон эртаси учун ғамхўрлик кўрсатаётган давлатимизга, Соғлиқни сақлаш вазирлигига, жамғармага ва Германия клиникаларида фаолият олиб бораётган мутахассис шифокорларга тенгдошларим номидан миннатдорчилик билдириб қоламан.

Куни кеча яна 7 нафар бемор болалар Германия клиникаларида даволаниш учун жамғарма вакиллари ҳамроҳлигида жўнаб кетишди. Улар Германияда олти ойдан уч йил муддатгача даврда соғлиқларини тиклайдилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

«Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги томонидан 2008 йил 25 августда № 002819-09 рақамли рўйхатдан ўтказилган Шайхонтоҳур тумани, Шайхонтоҳур кўчаси, 10-уйда жойлашган «KINGSTON INVEST» шўъба корхонаси (ИНН: 300920216) № 01/03-2012 сонли буйруққа асосан тугатилади.

Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Шайхонтоҳур кўчаси 10-уй манзили бўйича қабул қилинади.

Тел: 482-71-46

Яккасарой туман тиббиёт бирлашмаси — Марказий кўптармоқли поликлиника маъмурияти Яккасарой ТТБ-КМП Умумамалиёт шифокори бўлим мудири Хуршида Фатиховна Назаровага волидаи муҳтарамаси **Ҳалима Саидовна ТОШМАТОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

ҲИКМАТ — ДИЛ ЧИРОҒИ

ТЎРТЛИКЛАР

Қор ёғса эрийди, қалб музламасин,
Эшикдан киролмай
бахт бўзламасин.
Бахт кирса бағрингга
маҳкамроқ босгин,
Чиқиб кетишга ҳеч йўл изламасин.

* * *

Сен мендан тонишга
йўл ахтардинг кўп,
Қатлимнинг қасдида
қўл ахтардинг кўп.
Қисматким қаърига ўзингни тортди,
Кўзни очар экан кўзга тушган чўп.

* * *

Қалам тутиш мумкин истаган одам,
Барчага етади тоза қоғоз ҳам.
Шеър шарбат, шоирлик шухрат
деб билсанг,
Ҳеч қачон изимдан юрмагин, болам.

* * *

Оромни оқшомдан излайди одам,
Тунни кутиб ётар кўршапалак ҳам,
Кўршапалаксифат одамлардан кўрқ,
Улар тун-кун одам танимас, болам.

* * *

Сен кўнгил гулини арзонга сотма,
Ғафлат бешигида бек бўлиб ётма.
Ортингдан тош отса қоқилмагайсан,
Ўзинг йўлдан чиққан
тош бўлиб ётма.

* * *

Чирсиллаган чўғнинг жамоли ўзга,
У билмас бир зумда айланар кулга.
Шоирлар ўзига сиғмайди деманг,
Бир боғ торлик қилар
ошиқ булбулга.

* * *

Ҳар жоннинг чашмаси
фарзанд бўлади,
Дил ичра нурли дил
дилбанд бўлади.
Ўғлин эл алқаган ота-онанинг,
Кўкси тоғлардан ҳам
баланд бўлади.

* * *

Гул сўлса хазоннинг байрами бўлур,
Дил тўлса киприкнинг
шабнами бўлур,
Куриган ёғочнинг кулдаги вазни,
Тугаган умрнинг мотами бўлур.

(Давоми бор)

Маҳмуд ТОИР

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **6 март** куни ҳаво ўзгариб туради, кунинг иккинчи ярмида ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража совуқ, кундузи — 8-10 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **6 мартда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-7221

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 341

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11752 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 4 5